

## БОЛАЛАРНИ УЙ ШАРОИТИДА СУВ БИЛАН ЧИНИҚТИРИШ УСУЛЛАРИ

*Бухоро вилояти Вобкент тумани  
1-мактабгача таълим ташкилоти тарбиячиси: Ф.Амонова*

**Аннотация:** Ушбу мақола Болаларни уй шароитида сув билан чиниқтириш усуллари ҳақида .

**Калит сузлар:** Болалар, сув ,уй шароитида, чиниқтириш усуллари, чиниқтирувчи воситалар, юваниш,ишқалаб артиш,оёқларини ювиш.

Энг содда лекин анча самарали чиниқтирувчи воситалардан бири бу болани сув билан чиниқтиришdir.Болани сув билан чиниқтириш учун ҳар куни сув муолажаларини бажариш(юваниш,ишқалаб артиш,оёқларини ювиш ва ҳ.к)керак.Ювинтираётганда сувнинг дастлабки ҳарорати 30°C бўлиши кейин уни ҳар 2-3 кунда 1°C га пасайтириб бориш ва 20°C гача тушуриш лозим.Болаларни юз қўлларини мустақил ювишга одатлантириш,совундан тўғри фойдаланиш,баданини хўл сочиқда артиш,чўмилишга,душдан фойдаланишга ўргатиш керак.Чўмилтириш 2 ёшдан бошлаб ва албатта катталарнинг назорати остида ўтказиш тавсия этилади.Бундан олдин жуда бўлмаса бир неча марта устидан сув қўйган маъқул.Овқатлантириб бўлгандан сўнг 1 соат ўтгач чўмилтира бошланади.Шамол бўлмаган пайтда ҳаво ҳарорати 24-25°C дан сув ҳарорати 22-23°Cдан сув муолажалари бошланади.

Сув ерда тириклик манбаидир.Сувнинг гигиеник ва физик ахамияти бекиёсdir.Сув бола организми ва руҳиятига ижобий таъсир кўрсатади.Сув қандайдир жонли унсур сифатида болаларни тинчлантиради. Азиз ота-оналар сизларга «Сув салтанати» деган эртаклаштирилган тавсиямизни таклиф этамиз. Биласизки болажонлар эртак эшитиш орқали дунёни англайди.Ундаги қахрамонларга тақлид қиласди,маънавияти шаклланади ва ибрат олади. Ушбу тавсиямиз орқали эртак усулида болани чиниқтирангиз ҳар қандай бола ҳам жон деб эртак тинглаб сув орқали чиниқади. Сиз ушбу тавсияни қўллаб кўрасиз деб уйлайман.

Болажоним “Сув салтанатига сайр қилишни хохлайсанми?Менга сув остида яшовчилар мактуб йўллашибди.сен ва мен ушбу мактубни ўқиб сув ости салтанатига меҳмонга борамиз.Унинг учун биз сен билан уларни шартини



бажаришимиз керак.Менга бажаришга ёрдам берасанми?(Болани фикри сўралади.)

Бола мини бассейн ёки бўлмаса катта тогорага сув тўлдириб унга киришни таклиф этиш керак.

1-ўйин:

“Чакқон бармоқчалар” Керакли жихоз:2та идиш ва губкалар Болажоним балиқчага ёрдам керак унинг учун сен идишни сув билан тўлдиришинг керак мен балиқчага элтиб бериб уни қутқараман.Болага губкани бериб сувга бўқтириш ва уни бўш идишларга солиш айтилади.

Бу ўйин орқали болага меҳр шавқат хисси ,чаққонлик шаклланади ва асосийси у чиниқади.

Топшириқни бажаргач болани рағбатлантиришни унутманг.

«Қизиқарли кемалар” 2-ўйин

Керак бўлади:кемачалар қоғоздан ёки ўйинчоқ,топилмаса оддий ёғоч чўплар Болажоним сен билан балиқчага ёрдам бердик.Балиқча раҳмат айтди.У бизни уйига таклиф қиляпди.Унинг учун кемача билан сузib боришимиз керак.Қани кемачамизни пуфлаб дengiz қоялари ортига борамиз. Бу ўйин орқали тўғри нафас олиб чиқаришни ўрганади ва ўпкаси ҳавога тўйинади.

«Иноқ ва баҳтли рақамлар”

Керак бўлади:Рақамлар ёзилган тахтacha булаклари. Болажоним дengiz ортига сузib бордик.Энди балиқчани манзилини топишимиз керак.У бизга сув юзига рақамлар ёзилган тахтачаларни қолдирибди.Уни уйи нечанчи рақам мен бармоқларим билан қўрсатаман сен санаб топасан ва тахтачани оласан.(Оналар бармоқлари билан турли рақамларни кўрсатишлари мумкин.Болани ёшига қараб.) Бу ўйин орқали болани билиш жараёни ривожланади.Сувдаги рақамларни тезда топиш ва чаққонлигини оширишга хизмат қилади.Асосийси сув билан чиниқишини давом эттиради.

“Сеҳрли пуфакчалар”

Керак бўлади: суюқ совун ва найча”

Болажоним балиқчани уйини топдик.У бизни сеҳрли пуфакча чиқаришга таклиф қиляпди.Қани биз хам балиқчадай пуфакча чиқарайлик-чи?

Катта болалар ўzlари найча билан пуфлаш орқали чиқаришади.Миттивойларга онажонлари қўллари билан сувни тебратиб пуфак ҳосил қилса мақсадга мувофиқ бўлади.

Бу ўйин орқали болани оғиз мушаклари машқлари бажарилади.гигиеник қобилияtlари мустаҳкамланади.Пуфакчалар бир олам завқ бағишлиайди.

Совунчам совунчам, Яхшилаб югин қўлчам, Бошлагин бош бармоқдан, Тугатгин жимжилоқдан, Жилдир жилдир оқар сув, Кўлчаларим тезроқ юв, Мана бўлди топ тоза Мендан олгин андоза.

**“ШАРЧАЛАР” ўйини**

Керак бўлади: резина ўйинчоқлар ёки шарлар Болажоним сен билан балиқча яна ўйин ўйнамоқчи? Балиқчани ўйинчоқларини ёки пуфакчасини хавосини чиқаришимиз керак экан. Болага резина ўйинчоқ ёки пуфакни озгина шишириб қўлига берилади ва оз оздан хавосини чиқариб туриш таклиф қилинади. Бу қизиқарли ўйин албатта болангизга ёқади. Бу ўйин орқали бола тажриба қиласди. Организмга хаво зарурлигини ўрганади. Сувда нафас олиб бўлмслигини ва хавфсизлик қоидаларига риоя қилишни оналаримиз уқтириб боришса мақсадга мувофиқ бўлади.

**“Денгиз хазиналари.”**

Керак бўлади: тошлар, чиганоқлар, ялтироқ тугмачалар Болажоним балиқча билан мазза қилиб ўйнадик. У бизга ўз совғасини ташлаб кетди. Қани уни сув тубидан қидирчи ва нима ташлаб кетганини айт? Бу ўйин орқали болани сенсор қобилияти (пайпаслаб топиш), қўл моторикаси ва фикрлаш қобилияти ривожланади. Бола ўзини хазиналар оролига тушиб қолгандай хис қиласди. Бу унга завқ бағишлайди ва стрессни олдини олади.

